



Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

2019 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасининг инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида

вазирлик ва идоралар раҳбарлари — илмий-таълим муассасалари, нодавлат нотижорат ташкилотлари вакиллари, мустақил экспертларни (консультантларни), шу жумладан, хорижий мамлакатлардан кенг жалб этган ҳолда, Стратегияда ва "Йўл харитаси"да назарда тутилган тадбирларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилиши, мақсадли кўрсаткичларга эришилиши учун;

шароитлар яратиш, фуқароларнинг долзарб муаммоларини ҳал этиш, ҳудудларни ва уларнинг ижтимоий инфратузилмасини Стратегияда ва "Йўл харитаси"да назарда тутилган тадбирлар билан узвий боғлиқ ҳолда ривожлантириш, шунингдек, вазирлик ва идоралар билан ўзаро келишилган ҳолда жойларда мақсадли кўрсаткичларга эришиш чораларини кўриш учун шахсий жавобгарлик белгилаб қўйилсин.

билан келишилган ҳолда бир ой муддатда мақсадли кўрсаткичларга эришиш бўйича ўзаро боғлиқ ҳуқуқий, иқтисодий, ижтимоий, ташкилий ва техник чора-тадбирларни назарда тутадиган 3 йилга мўлжалланган ривожланиш дастурларини тасдиқласин, кейинчалик 3 йилга мўлжалланган янги ривожланиш дастурларини қабул қилсин.

тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин. 10. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. Н. Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З. Ш. Низомиддинов, Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари Б. М. Мавлонов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитасининг раиси С. Р. Холмуродов зиммасига қўлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ Тошкент шаҳри, 2018 йил 21 сентябрь

ЎЗБЕКИСТОН — ҲИНДИСТОН: САРМОЯВИЙ ҲАМКОРЛИК КЕНГАЙМОҚДА

Президентимиз Шавкат Мирзиёев 2018 йил 8 — 10 июнь кунлари бўлиб ўтган ШХТнинг Циндао саммити доирасида Ҳиндистон Бош вазири Нарендра Моди билан учрашганини яхши эслаймиз. Бу учрашувда мамлакатларимиз ўртасида аввал эришилган келишувлар ижроси ва истиқболли ҳамкорлик масалалари муҳокама қилинди. Бугун Ўзбекистон ва Ҳиндистон ўртасидаги савдо-иқтисодий, молиявий, инвестициявий, инновация ва гуманитар соҳадаги ҳамкорлик изчил ривожланмоқда. Бу жараёнда ҳуқуқлараро делегацияларнинг ўзаро музокаралари яхши самара бераётганини таъкидлаш жоиз. Хусусан, 2018 йил 6 — 10 август кунлари Олий Мажлис Сенати Раисининг биринчи ўринбосари С. Сафоев, Бош вазир ўринбосари — Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси раиси С. Холмуродов бошчилигидаги делегация Ҳиндистонда бўлди. Шу йил 16 август кунини Тошкентда Савдо-иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон — Ҳиндистон ҳуқуқматлараро комиссиясининг навбатдаги мажлиси ҳамда икки мамлакат ишбилармон доиралари вакиллари иштирокида бизнес форуми ўтказилди.



ОСИЁ ЎЙИНЛАРИ ҒОЛИБ ВА СОВРИНДОРЛАРИ ТАҚДИРЛАНДИ

Президентнинг Ёшлар, фан, таълим, соғлиқни сақлаш ва спорт масалалари бўйича маслаҳатчиси А. Абдувоҳитов "XVIII Осие ўйинларининг ғолиб ва совриндорларини тақдирлаш тўғрисида"ги фармойишни ўқиб эшиттирди. Унга кўра, Осие ўйинлари олтин медалга соҳиблари 5000, қумуш медалга совриндорлари 3000, бронза медалга эга чиққан спортчилар эса 2000 АҚШ доллари миқдоридagi пул мукофоти билан тақдирланди.

менда фақатгина бир истак бор эди. У ҳам бўлса, Ватанимизга олтин медал билан қайтиш, — дейди курашчи Муҳсин Ҳисомиддинов. — Ана шу мақсадимга эришганимдан, Осие ўйинлари ғолиби бўлганимдан бешинчи хурсандман. Бу бизга яратиб берилган шароитлар самарасидир.

Тақдирлаш маросими давомида яқин кунларда совриндор спортчиларимизнинг мураббийлари учун ҳам (олтин — 2500, қумуш — 1500, бронза — 1000 АҚШ доллари) мукофот пуллари тақдим этилиши маълум қилинди. Тантананада сўзга чиққанлар Президентимиз Шавкат Мирзиёевга мамлакатимизда спортни ривожлантириш ва спортчиларни ҳар томонлама кўллаб-қувватлаш борасида кўрсатилган доимий эътибори учун самимий миннатдорлик билдирди.

Омонулла ФАЙЗИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири. Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси Матбуот хизмати сурати.

ХАЛҚАРО АНЖУМАН Транспорт-логистика — тараққиётнинг муҳим бўғини

Мазкур анжуман нафақат минтақа давлатлари, балки дунё ҳамжамиятида ҳам катта қизиқиш уйғотди. Унда транспорт соҳасидаги кўллаб-қувватлаш, халқаро молия муассасалари вакиллари иштирок этгани шундан далолат беради. Бугунги кунда Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотлар, бевосита давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилаётган ташаббуслар Марказий Осие минтақаси давлатлари ўртасидаги алоқаларни ҳар томонлама ривожлантиришга хизмат қилапти. Ўзаро муносабатлар эса транспорт-коммуникация тизимлари билан чамбарчас боғлиқ. Ушбу йўналишдаги имкониятларни очиб бериш мазкур халқаро тадбирнинг аҳамияти жуда юқори бўлди, деб айтиш мумкин. Чунки унинг биринчи кунда транспорт соҳасининг барча йўналиши бўйича мавжуд муаммолар муҳокама этилиб, уларнинг ечимлари оқибатдан фикр алмашилди. Бир қатор ҳужжатлар қабул қилинди. Халқаро анжуман иштирокчилари Самарқанд вилоятида бўлиб, бу ердаги йўловчи автобуслари ва юк машиналари ишлаб чиқарувчи "JV MAN Auto-Uzbekistan" ва "UzAutoTrailer" корхоналари фаолияти билан яқиндан танишишди. Мехмонларга мазкур йирик ишлаб чиқариш субъектлари фаолияти, янги лойиҳалар ҳусусида маълумот берилди.

Давлат хизматлари кўрсатиш сифати янада яхшиланади

Мамлакат тараққиётининг замонавий босқичида "Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак", деган улғувор ғоя илгари сурилиб, давлат органлари томонидан кўрсатиладиган хизматларни янада такомиллаштириш устида мунтазам иш олиб борилаётир. 2018 йилнинг 1 январидан республика миқёсида фаолият бошлаган Давлат хизматлари маркази томонидан бошланган мақсадли таълим муассасаларига қабул қилиш бўйича ариза бериш, фуқарони жамабери бориладиган пенсия тизимида ҳисобга қўйиш, муҳандислик-коммуникация тармоқларига улашиш, лойиҳа ҳужжатларини келишиш, қурилиш-монтаж ишларини амалга ошириш, яқна тартибда уй-жой қуришга (реконструкция қилишга), сувдан махсус фойдаланиш ёки сувни махсус истеъмол қилиш учун ружхат бериш каби хизматлар кўрсатиш йўлга қўйилган. Соҳада эришилган ютуқларни омаллаштириш, йўл қўйилган камчиликларни аниқлаш, умуман, халқаро экспертлар иштирокида давлат хизматлари кўрсатишнинг миллий тизимини туддан ислох қилиш мақсадида пойтахтимизда Фуқаролик жамиятини мониторинг қилиш мустақил институти, Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги, "Тараққиёт стратегияси" маркази ҳамкорлигида "Давлат хизматларини кўрсатиш тизимини такомиллаштириш: Ўзбекистон тажрибаси ва халқаро амалиёт" мавзусида анжуман ўтказилди. Унда БМТ Тараққиёт дастури ва ЕХТнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси вакиллари, халқаро ташилотлар экспертлари, республикамиздаги вазирлик,

Адашган юртдошларимизга Ватанга қайтиш имкони берилди

Ҳалқимизда "Беайб — Парвардигор" деган гап бор. Тирик жон борки, турли сабаб туфайли адашиши мумкин. Лекин шундай вазиятда кечириб ҳар қандай кишининг ёки жамиятнинг ҳам қўлидан келармакдир. Ўзбекистон эса, мана, Фармон номидан ҳам аёнки, бундайларни, неча фурсатки, кечириб келмоқда, афв этмоқда. Мақсад эзгу, яъни бу юртдошларимиз қаёққа боришни билмай, чимда сарсон-саргардон юрмасин, Ватанга қайтсин, агар қўли қонга ботмаган бўлса, шу қўллари билан келажакни курсин, фойдали меҳнат билан шуғуллансин. Бу гап — сира баланддаражас эмас. Фармон мағзини лўнда қилиб ифода қилиш бўлса, у аллақайларда улоқиб юрган, юртига қайтолмай, лекин қайтишга орзумданд бўлганлар учун катта имкониятдир. Яъни қимми, қай асос мезонда жавобгарликдан озод қилишда ушбу ҳужжат дастуриламал бўлади. Фармонда кўрсатиб ўтилганидек, биргина ўтган йили қилми-



шига чин дилдан пушаймон қилган, таққиланган ташкилотларга алдов йўли билан киргани, у ерда харбий тайёргарликдан ўтмагани каби мезонлар шулар жумласидандир. Шу ва бошқа ўлчовларга мос келган фуқаролар жавобгарликдан озод қилинади. Айтиш кераки, ана шу мезонларга нечоғлиқ амал қилинганини синчиқлаб ўрганадиган, Бош прокурор раислик қиладиган Комиссияга ҳам, ўз навбатида, аниқ ваколатлар берилди.

Шу ўринда ҳақли савол туғилади, четдаги фуқароларимиз Ватанга қайтишни ихтиёр этиб қолса, биринчи қадамни нимадан бошлашлари зарур? Улар юртимиз ҳудудига кирмоқчи бўлса, бунинг учун ҳам алоҳида ҳужжат талаб қилинадими? — Кўп нарса талаб этилмайдими, — дейди Бош прокурор ўринбосари Эркин Йўлдошев. — Аввало, фуқаро ўзи яшаб турган жойдаги Ўзбекистон элчихонасига ёки ички ишлар органларига мурожаат қилиши мумкин. Энг муҳими, Фармоннинг ўзи уларнинг мамлакатга кириши учун асосий ҳужжат ҳисобланади.

Юқоридагилардан ташқари, Фармон билан Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасига Ички ишлар вазирлиги, Давлат ҳавфсизлик хизмати ва Олий суд билан биргаликда бир ой муддатда таққиланган ташкилотлар таркибига адашиб кириб қолган фуқароларнинг мурожаатларини кўллаб қилиб, бола-чакаси улар билан битта лагерда бўлиб, юртга қайтмоқчи ихтиёр этган, шунинг барқотириб, жиноий жавобгарликка тортиладиган қўрқиб юрди.

Муниссон КАРИМОВА, «Халқ сўзи» мухбири.

# Бош мезон: ОЧИҚЛИК, ХОЛИСЛИК, ХОЛИСЛИК, АДОЛАТ

1 →

— Касаллик боис иккала оғимдан ажралгач, турмуш ўртоғим бизни ташлаб кетиб қолди, — дея дардини очди у. — Оилани тебратиш учун про- тез кийиб, оёққа турдим. Иш қидириб қаерларга бош урмадим, дейсиз?! Лекин ҳеч йўлим очилмади — ногиронлигим борлигини эшитишлари ҳамона рад этиш учун бир қанча сабаблар келтиришар ва мулоимлик билан эшиккача кузатиб қўйишарди. Бирдан-бир даромад манбаимиз ногиронлик бўйича камгина нафақа эди.

Шу онда унинг юзига табассум ю- ради:

— Ҳаётимиз бу қадар ўзгариб кет- тиши етти ухлаб тушимга ҳам қирма- ганди! Мана шу шинам уйга кўчиб ўтдик, менга тикув машинаси беришди, иш билан таъминлашди. Уғлим болалар боғчасида бепул тарбияланипти, қизим эса жуда яхши, меҳрибон педагоглар қўлида янги мактабда таҳсил олмақ- да. Қувончимни сўз билан ифода- лаб бермайман.

Ҳаяжондан унинг томоғига нимадир тикилиб, жим бўлиб қолди. Бошидан ке- чирган машаққатлари ҳақида ўзидан кўра қалтираётган бармоқлари кўп нар- сани ифодаларди.

Ақмарал Асилова — дардини Президент эшитган ва муаммоларини ҳал қилишда ёрдам берган юз минглаб ўзбекистонликлардан бири. Ва бу им- коният мамлакат раҳбари ташаббуси билан 2016 йил сентябрь ойида ишга туширилган давлат ва халқ ўртасидаги доимий алоқанинг ўзига хос механиз- ми туфайли юзга чиқди.

Айнан шу кунни республикада халқ би- лан мулоқотнинг тамомили янгича ти- зими иш бошлади. Интернетда давлат раҳбарининг Виртуал қабулхонаси очил- ди. Унинг афзалликларини одамлар дарҳол сезишди. Нафақат аҳолининг кенг қатламлари, балки ҳокимият тузил- масидагилар ҳам. Минглаб фуқаролар мамлакат етакчисига бевосита мурожа- ат қилиш имкониятига эга бўлдилар ва ҳукумат, ниҳоят, халқнинг ҳақиқий дардини, муаммо ва эҳтиёжларини би- либ, таъбир жоиз бўлса, унинг «юрак уриши»ни эга бошлади.

Президент ташаббусига кўра шакл- лантирилган ўзига хос тузилма фуқаро- лардан келиб тушган мурожаатларнинг қўриб чиқишини назорат қилиш билан бирга, шикоят ва аризалар мазмун- моҳиятини тизимли таҳлил қила бори- ди. Ўзбекистонликларнинг, бу минглаб, му- рожаатларида бизнинг бу мамлакат миқёсидаги воқелигимиз гуё улкан кўзгудагидек асқ этди. Қабул қилиш ва тан олиш бундан булмайган ҳақиқат бир- дан юзга чиқди. Мамлакат тараққиёт- тидидаги барча заиф нуқталар, камчилик ва нуқсонларнинг ҳаммаси кўринди.

Ҳақиқатни йиллар давомида яшириш аянчи ҳолатга олиб келган ва фуқаро- лар энди муаммолар — иқтисодий ва ижтимоий ҳаётни бошқариш воситала-

рининг номуганосиблиги, худудларнинг бир маромда ривожланмаганилиги, кор- рупция, кўзбўямачилик, масъулиятсиз- лик ва бошқа кўплаб масалалар ҳақида Президентга мурожаатларида очик айта бошладди. Тўғридан-тўғри, самарали мулоқотнинг энг катта ютуғи эса одам- ларнинг давлатга ишончи мустаҳкамлан- гани бўлди.

Президент Халқ қабулхонаси аҳоли наздида холислик, адолат ва шаффоф- лик тимсолига айланди. Ушбу тамойил- ларга оғинмай амал қилиш давлат органлари фаолиятининг самарадорли- гини таъминлабгина қолмай, қарорлар- нинг аниқлигига эришиш, республика- да қабул қилинаётган қонун ҳужжатла- ри, лойиҳалар ва дастурларни энг май- да жиҳатларигача тарозига солиб кўриш

мияти органлари, вазириликлар ва идо- ралар раҳбарлари ҳисоботларини тинг- лашнинг сифат жиҳатидан янги тизими яратилди. Давлат раҳбарининг қарори билан шакллантирилган, ҳоким, проку- рор, ички ишлар ва солиқ бошқармаси бошлиқлари томонидан мувофиқлашти- рилувчи ижтимоий-иқтисодий ривожла- ниш бўйича тўртта сектор жойлардаги вазиятни мунтазам ўрганиб боришни таъминламоқда, оилаларга бориб, муаммоларни аниқлаётди, уларнинг ечилишида кўмаклашяпти. Секторлар фуқаролар мурожаатлари билан ишлаш, йиллар давомида тўпланган муаммолар- ни ҳал этишда ёрдам бериш бўйича самарали институтга айланиб улгурди.

Халқ билан мулоқот тизими восита- сида «Халқ давлат идораларига эмас,

**Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак.**



## Ўзбекистон Республикасининг Президенти фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларига, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига риоя этилишининг қафилдир.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 93-моддасидан.

имконини яратмоқда. Фуқароларнинг мурожаатлари норматив-ҳуқуқий база- ни яхшилаш, унинг манзилли ва чуқур ўйланган бўлишини таъминлашга ёрдам бермоқда.

давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак» деган тамойилни амал- да рўёбга чиқариш учун изчил фаолият олиб борилмоқда.

## Янги маҳалла ва қишлоқлар

Кам таъминланган оилалар учун ту- раржой муаммоси кўп йиллар мобайни- да мамлакатдаги энг оғриқли масала- лардан бири бўлиб келди. Уни ҳал қилиш учун деярли чора кўрилмагани Виртуал қабулхона фаолият бошлаган илк кунлардан оқибатда мурожаатлар келиб тушганидан аён бўлди. Фуқаро- лар мактубларида кўтарилган ижти- мий химояга муҳтож одамлар, айниқ- са, ногиронлиги бор шахслар, кам таъ- минланган оилалар бандлигини таъмин- лаш ва уларнинг яшаш шaroитларини яхшилаш масалалари ҳам кечиктириб бўлмас қарорларни талаб этарди.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан бошланган арзон уй-жойлар қуриш дастурлари ушбу мураккаб вазиятдан чиқаришга ёрдам беряпти. Сўнгги чорақ- чиқариш биринчи марта аҳоли учун арзон, барча шарт-шароит таъминланган уй- жойлар қуриш бошланди. Утган йилнинг ўзида республикада 800 миң квадрат метрдан зиёд ана шундай кўп қаватли уйлар фойдаланишга топширилди. Аҳамиятлиси, қишлоқ ва шаҳарлардаги йўл-транспорт, муҳандислик-коммуника- ция ва ижтимоий инфратузилмани мо- дернизация қилиш миқёси кенгайиб бо- раётганидек, арзон тураржойлар қуриш ҳажми ҳам ошиб бораётди.

Президент ташаббуси билан ишлаб чиқилган «Обод қишлоқ» ва «Обод ма- халла» дастурлари ҳам мазкур жараён- нинг мантқий давоми бўлди. Уларни амалга ошириш асосида ижтимоий химояга муҳтож фуқароларга муносиб турмуш шaroитларини яратиш, бунёд- корлик лойиҳаларини рўёбга чиқари- шда ресурслар ва муддатларни опти- маллаштиришда комплекс ёндашув таъминланди.

«Обод қишлоқ» дастури доирасида Жиззах вилоятидаги Манас қишлоғи 45 кун давомида таниб бўлмас даража- да ўзгарди. Энди бу манзил бир вақт- лар эътиборсиз қолган, муаммоларга тўла ҳудуд эмас, балки обод ва гўзал бир шаҳарни эслатадиган масканга айланди.

Бугунги кунда ушбу дастур Қорақал- поғистон Республикаси ва вилоятлар- нинг 174 та туманидаги 563 та қишлоқ- да ҳаёtgа татбиқ этилмоқда. Унинг дои- расида 86,7 миңдан ортиқ алоҳида ва 538 кўп қаватли уй таъмирдан чиқарил- ди, 176 та ижтимоий-маиший объектда қурилиш-таъмирлаш ишлари бажарил- ди, умумий узунлиги 1 252 та сув таъ- миноти, 707 та газ таъминоти ва 1 763 километрга тенг электр таъми- ноти тармоғи таъмирланди, 1439 кило- метр суғориш ва мелiorатив объект- лар ва 1 763 километрик автомобиль йўллари замон талаблари асосида тик- ланди. Айни дамда бошқа тадбирлар бўйича ҳам ишлар давом эттириляпти.

Мирзачўл туманидаги Галаба, Мус- тақиллик, Ўзбекистон, Дўстлик, Мирза- дала, Ержар қишлоқларидаги маҳалла- лар замонавий қиёфа каск этди. Утган асрнинг 60-йилларида вақтинча қурил- ган ёғоч типдаги уйларда йиллар даво- мида яшаб келаётганлар учун шу йил август ойида арзон уй-жойлар қурили- ши якунланди. Ҳозир 223 та 2 ва 3 хо- нали намунавий ҳамда 168 та хонадон- га мўлжалланган саккиз қаватли уйлар- да аҳоли фаровон ҳаёт кечиряпти. Худудда тикувчилик ва чорвачилик маҳ- сулотлари тайёрлашга ихтисослашти- рилган замонавий ишлаб чиқариш мажмуалари барпо этилиб, бу икки юз- дан ортиқ иш ўринларини яратишга имкон берди.

Ушбу дастурларсиз биз мақола- миш бошда ҳикоя қилган Ақмарал Асилова ва фарзандларининг ўз уйига эга бўлиш- дек орзуси рўёбга чиқмаган бўларди.

## Мулоқотдаги муҳим босқич

Давлат ва халқ ўртасида ишончли му- лоқотнинг ўрнатилиши кам таъминлан-

ган оилалар интилишларини самарали рўёбга чиқаришга кўмак берди. Маса- лан, Ақмарал Асиловага пойтахтимиз- нинг Бектемир туманидаги Президент Халқ қабулхонаси ёрдамлашди. Ушбу муассаса ташкил этилгандан буюн 2017 йил март ойидан бошлаб, фуқаро- лар мурожаатлари билан ишлашда бебаҳо тажриба тўпланди, ижтимоий ҳамкорлар доираси, айниқса, маҳаллий Кенгаш депутатлари, жамоат ташкилот- лари вакиллари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари билан йўл- йуғун ишлаш таъминланмоқда. Бу жараёнда худудий хотин-қизлар кўми- талари фаолияти муҳим ўрнига эга.

— Сўнгги йилларда Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси тузилмаси айна яхшиланди, аёллар ва уларнинг оила- ларини қўллаб-қувватлаш учун ваколат ҳамда имкониятлар янада кенгайтирил- ди, — дейди Бектемир тумани ҳокими ўринбосари, туман хотин-қизлар кўми- таси раиси Зиёда Тоҳирова. — Натига- да биз мамсуз тузилган жамгармаимиз ҳисобидан кам таъминланган, ногирон- лиги бор фарзандлари бўлган учта оила-

ни яна қандай қилиб яхшилаш керакли- ги, ижтимоий аҳамиятга молик масала- ларни ҳал этишда ўз маслаҳатларини ҳам аяммайди. Уларнинг талабларига биноан, Халқ қабулхонасига аҳоли тур- муш шaroитини яхшилаш бўйича аниқ таклифлар билан бир неча бор бордим. Аризалар қисқа муддатларда қўриб чиқилди.

Масалан, туман марказининг икки чорраҳасида йўл-транспорт ҳодисалари тез-тез рўй берарди. Одамлар жараҳат- ланар, қурбонлар ҳам бўларди. Мазкур ҳолатни светoфор ўрнатилиши орқали бартараф этиш мумкин эди. Аммо биз унинг ўрнатилишини сўраб ўтган аср- нинг 80-йилларидан буюн маҳаллий ҳокимият вакилларидан умид қилиб кел- дик. Халқ қабулхоналари фаолияти йўлга қўйилганидан кейингина светoфорлар ўрнатилди, йўлар тартибга келтирил- ди. Фурсатдан фойдаланиб, ўзим учун оғрикли саволлар ҳақида фикр юрит- сан: Президентга баъзан ўзига тўқ, ҳар томонлама яхши таъминотга эга одам- лар уй, машина сўраб, Малайзияга саёҳат учун ёки қўшиларни, раҳбар-

## 2018 йилнинг 21 сентябрь ҳолатига кўра:

• Идоралар ва маҳаллий ҳокимият органлари ҳамда уларнинг бўлиналари раҳбарлари иштирокида 68 миңдан зиёд қабуллар ҳамда 20 миңга яқин сайёр қабуллар ташкил этилди.

• Мурожаатлар билан ишлашда хатога йўл қўйгани учун 3650 тақдимнома киритилди, шундан 2 596 ҳодим ишга қўйилди, 704 ҳодим маъмурий ва 47 ҳодим жийой жавобгарликка тортилди. 181 ҳодим билан меҳнат шартномалари бекор қилинди.

Президентимиз бошчилигида фаол ва очик мулоқот орқали улкан ижтимоий аҳамиятга эга муаммолар ҳал қилиниб, ҳаётимиз янада яхшиланиб бормоқда.

— Албатта, инсон омили жамият ҳаётига, жумладан, Халқ қабулхонаси- дек ноёб институт фаолиятида катта роль ўйнайди. — деб ҳисоблайди халқ депутатлари Бектемир тумани Кенгаши депутати Сунон Ашуров. — Раҳбарият уни нафақат профессионал ва масъулият- ли, балки самимий, одамлар билан тез мулоқотга кириша оладиган инсонлар- га ишониб топшириши керак. Аҳоли, у хоҳ ёш бўлсин, хоҳ кекса, уларга эркин мурожаат қила олсин. Халқ қабулхона- сига ташриф буюрган пайтларимда бу ерга келувчи ҳар бир фуқаро мамнун эканига кўп ишонч ҳосил қиламан. Ушбу даргоҳга турли инсонлар, турли шaroит- ларда, баъзан асаби таранг, даргазоб бўлиб келишади. Уларга диққат-эътибор билан қўлоқ солишда, охиригача тинг- лашда ва ёрдам беришда. Фуқаро- ларнинг ҳар бир қабули тезкорлик билан, мутахассисларни жалб этган ҳолда амалга оширилмоқда, муаммога ечим биргалликда изланиб, унинг ижроси аниқ назоратга олинапти. Муассасага раҳбар- лик қилаётган Зуфар Маҳмудов халқ орасида ҳурмат қозонгани учун ҳам ана шу эзгу ишларга ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда. Қабулхонада давлатнинг жамият олдидagi муносиб вакиллари ишлаётгани ҳам ниҳоятда муҳимдир. Зеро, улар одамларнинг ҳокимиятга бўлган ишончини мустаҳкамламоқда.

Туман аҳоли бошқармаси бошлиғи Алишер Хатамов ўз фикрлари билан ўртоқлашди:

— Виртуал ва Халқ қабулхоналари давлат ҳамда жамият ўртасидаги муно- сабатлар шаффофлиги ва очиклигини таъминлайди, уларнинг ривожланиши- га кўмаклашади. Давлат идоралари ҳар бир муаммо ечимини бўйича максимал даражада аниқ ҳамда амалий «йўл хари- таси»ни ишлаб чиққан ҳолда ўз фаоли- ятини оптималлаштириш имкониятига эга бўлди. Биз ҳам туман Халқ қабул- хонаси билан ҳамкорликда худди шу каби ҳаракатлар режасини қабул қил- дик. Фуқаролар мурожаатлари таҳлили якунлари бўйича ишлаб чиқилган бу ҳужжат фаолият сифатини яхшилади, бажарилаётган ишлар натижадорлиги- ни оширди. Бунда давлат раҳбари то- монидан амалга киритилган ва барча учун тушунарли мазкур қонда дастурий- амал бўлмоқда. Янги фуқаролар му- аммосига ечим топшиш учун бизга ке- лишмаяпти, биз, давлат тузилмалари вакиллари ҳар доим аҳоли орасидамиз, биргалликда ишлаяёмиз. Қисқача айтган- да, халққа яқиндан ёрдам бераётган Президентнинг виртуал ва Халқ қабул- хоналари ҳар биримизга учун чинакам демократия мактабига айланмоқда.

Гулбахор ТАНИРОВА.

Динора ЧИРКОВА олган суратлар.



## МИННАТДОРЛИК

### Зайниддин ЗАМОНОВ, Наманган туманидаги Шўрқишлоқ маҳалласида яшовчи фуқаро:

— Уғлим Хусниддин Россия Федерациясига чиқиб кетиб, паспортни йўқотиб қўйгани учун юртга қайтиб кела олмаётган эди. Халқ қабулхонасига мурожаат қилдик. Ўзбекистоннинг Россиядаги элчихонаси ушбу масала бўйича ишга киришди. Муаммо тезда ечим топди, бундан беҳад миннатдорим.

### Турсунбой ШАМСУТДИНОВ, Асака туманидаги Фаровон маҳалласида яшовчи фуқаро:

— Маҳалламиз аҳолисини кўчаларда- ги аянчи ҳолат анчадан бери ўйлан- тириб келарди. Ёзда чанг-тўзон, ноқулай об-ҳавода эса ўтиб бўлмас даражада лой бўлиб кетарди. Бундан, айниқса, мактаб ўқувчилари қийналишарди. Маҳалладош- ларим номидан Халқ қабулхонасига қил- ган мурожаатимда шу муаммони ҳал этиб беришларини сўрадим. Қисқа вақт ичи- да Андижон вилояти автомобил йўлла- ри худудий бош бошқармаси йўлсозла- ри умумий узунлиги уч миң метрлик тўртта кўчага шағал ётқизиб беришди.

эркинликлари, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига кафил эканли- ги тўғрисидаги конституциявий норманинг рўйи ўлароқ эътироф этилди.

Мамлакат раҳбарининг «Жисмоний ва юридик шах- сларнинг мурожаатлари билан ишлаш тизимини тубдан тақо- миллаштиришга доир чора-тад- бирлар тўғрисида»ги Фармони улар фаолиятида дастурийла- амалга айланди. Унга биноан барча вилоят, шаҳар ва ту- манларда мазкур муассаса фаолияти йўлга қўйилди.

Халқ қабулхоналари қошида Давлат хизматлари марказла- ри ташкил этилди. 2017 йил де- кабрдан буюн Давлат хизмат- лари агентлиги ва унинг худудий бошқармалари фаолият юритмоқда. Аҳоли билан қайта алоқалар таъсирчанлиги вирту- ал оламда, хусусан, Ягона ин- терактив давлат хизматлари порталида ҳам таъминланмоқ- да. Давлат ва жамият ҳаётига дахлдор масалалар бўйича ўз фикрини ифодалаш, норматив- ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари- ни оммавий муҳокама қилиш ва жамоавий мурожаатлар йўллаш учун янги веб-майдонларда то- бора кўпроқ юрдошларимиз иштирок этмоқда.

Тўпланаётган тажриба асо- сида давлат бошқарувининг таркибий тузилиши тақомил- лаштириляпти. Барча даража ва йўналишлардаги давлат ҳоқи-

ПАРЛАМЕНТДАГИ МУХБИРЛАРИМИЗ ХАБАР ҚИЛАДИ

Партиялараро рақобат қандай бўлиши керак?

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги фракцияси томонидан "Сийёсий рақобат: амалиёт ва халқаро тажриба" мавзусида илмий-амалий семинар ўтказилди.

Иштирокчиларнинг кайд эттишича, кейинги вақтларда сийёсий партиялар фаолиятида ўзгаришлар кузатилаётган сана, унинг вақти ва жойи тўғрисида, раис (оқсоқол) лавозимига номзодлар ҳақидаги ахборотни Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича кенгашларнинг расмий веб-сайтларида жойлаштириш кўзда тутилмоқда.

Депутатларнинг фикрича, мазкур қонуннинг қабул қилиниши фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига сайлов жараёнининг янада очиқлигини таъминлайди, фуқаролар йиғинининг кадрлар салоҳиятини ва маҳалла институтини фаолиятини самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Мажлисда, шунингдек, Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ваколатлари тааллуқли бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди ва тегишли қарорлар қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Матбуот хизмати.

конструктив рақобатни юзага келтириш масалаларига тўхталиб ўтилди. Семинарда давлат ва жамият қурилишини ривожлантириш, аҳолининг ижтимоий-сийёсий фаолигини оширишда сийёсий партияларнинг ролини, жумладан, қонунчилик ва ҳокимиятнинг вакиллик органларига сайловларда сийёсий партиялар иштиро-

қини кенгайтириш орқали сайлов жараёнининг демократлигини таъминлашда тараққий этган мамлакатлар тажрибаси тўғрисида маълумотлар тақдим қилинади. Илмий-амалий семинар якунида мутахассислар, экспертлар, фракция аъзолари томонидан қатор тақлиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

25 — 30 фоиз қисқартириш ҳамда апроф-муҳитга чиқарилаётган захарли моддаларни 30 фоизгача камайтириш имконини беради. Яна бир эътиборли жиҳати, макроиктисодий барқарорликни янада мустаҳкамлаш ва иқтисодий ўсish суръатларини сақлаб қолиш билан бирга, миллий валютани ҳамда ички бозордаги нарх-наво барқарорлигини таъминлашга, халқимиз турмуш фаровонлигини юксалтиришга хизмат қилади.

Таъдбирда, шунингдек, энергия сарфи, энергия сифати кўрсаткичларига риоя этилиши устидан давлат тегиригуви ва назорати билан боғлиқ айрим масалалар ўртага ташланди. Мисол учун, бугунги кунда 40 Вт дан юқори бўлган чўғламла лампаларни сотиш тақиқланган бўлса-да, дўконларда, савдо марказларида ушбу маҳсулотлар сотилаётгани муҳокамалар марказида бўлди.

Яқинда муҳокама этилган масалалар юзасидан қўмитанинг тегишли қарори қабул қилинди.

Тафаккур тарзи билан бевосита боғлиқ. Ана шу жиҳатга кўра, Ю. Лотман, Ч. Пирс каби фойласуфлар уларни "миллий хусусиятларини таърифловчи белгилар" ҳам деб аташган. Шунинг учун миллий семиотика бугунги кунда шахарсозлик маданиятининг шахарлар дизайннинг ажралмас қисми, асос бўлиб қолмоқда.

Миллий қадриятларимиз, ғиламдўзлик, дўппидўзликимиздаги нақшу ниғорларнинг ўзидек бутун бошли семиотик ансамблини ташкил қилади. Уларга ажодларимизнинг ўлмас ҳикматлари жо бўлган. Халқ амалий санъати аслида харфларсиз ўзулардир. Уларни ўқиш, англаш, замонавий истеъмолга олиб кириш давр талаби. Мисол учун, бодом гули рамзи ўзбек дўппиларининг асосий безаги. Айнан шу ҳақида Хитойнинг Ини ҳамда Яни каби ибтидо ва интиҳо, азал-абад уйғунлиги тарзида шарҳловчилар бор. Ёки дўппимиздаги белгиларни космогоник қарашлар тимсоли сифатида

ҳар бир манзара, кўринишнинг ўзидек сизга шу мамлакат, ўша халқ ҳақида етарлича тасаввур беради. Модерн санъат ва адабиётда етакчи бўлган Париж ҳамда Мадридда омма учун ўрнатилган авангард ҳайкаллари маҳобатли санъат намуналари ҳам шу даврларнинг миллий қиёфаси бўлиб турганини кўради.

Агар Пекингга борган бўлсангиз; шаҳарнинг иллюстратив дизайни асосида Хитой миллий қадриятлари, урф-одатлари, мифология ва халқ қаҳрамонлари, халқ оғзаки ижоди образлари, амалий санъат нақшу ниғорлари, миллий семиотик белгиларнинг замонавий талқинларига — интерпретациясига дуч келасизки, модерн, абстракт, авангард манзараларда ҳам Хитой миллий руҳини хис қилиб турасиз.

Истанбулда арт-объектларни қўйиб турайлик, ҳатто дунёнинг ишлаб чиқариш стандартига тўлиқ бўйсундирилган сим-ёточлар чироқлар ҳам туркий халқлар, жумладан, турк халқининг азалий маданияти, азалий қарашлари, илдизларини намоян эътиб туради. Бу шаҳардаги арт-композициялар ҳам қадимги семиотик белгилар, нақшларнинг замонавий талқинидан иборат. Одий бир чизгиси ҳам ўзининг турк маданиятига дахлдор эканини эслатиб, туркияликларга гурур ва ифтихор бағишлайди.

Гонконг эса хитой феншуйи — "шамол ва сув" уйғунлиги шаклида қурилган. Кейинги юз эллик йилда қанчалик фарбламасин, у ҳар бир манзарода ўзининг шарҳона қиёфасини, дизайнини, манзарасини сақлаб қолган.

Бу санокни хоҳлаганча давом эттириш мумкин. Фақат бу санокда бизнинг шахарларимиз, хусусан, бош кентимиз — Тошкент ҳам туршишни истаймиз.

Яна ўша арт-объект ҳақида... Арт-объектдан мустаҳкам жой олган юрак тимсоли бир пайтлар шўро тузуми ёшларининг "эркин муҳаббат" рамзи эди: уни дархатларга, дафтларга, симёточларга ўйиб ёшарди. Бу тимсол, аслида, авлиё Валентин кўни тимсоллари билан чамбарчас боғлиқ. Биз Валентин кўнининг, умуман, бу хил "муҳаббат изорчлиги"нинг миллий менталитетимизга ёт эканини гапириб, тарғиб қилаётганимизда шахаримиздан ташвиқотимизга, қолаверса, мафкуравий сийёсатимизга эид бўлган арт-композициялар жой олаётганини нима дейсиз? Бир кунда бу "юралар" остидан Валентин кўни руҳини бошдан кечириб, нечта йилгит-

Олий Мажлиси Сенатининг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси ҳузуридаги ишчи гуруҳ томонидан "Давлат божхона хизмати тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги қонун муҳокама қилинди.

Божхона органлари фаолияти ва ҳуқуқий асос

Мазкур қонун билан божхона органларининг ҳуқуқий асослари такомиллашди. Амалдаги қонун ҳужжатлари ҳамда мамлакатимизда сийёсий, иқтисодий ва ижтимоий соҳаларда олиб борилаётган ишхотлар уйғунлашувига эришилади. Ташқи иқтисодий фаолият қатнашчиларини ишонли химоя қилиш кафолатлари юзасидан қўшимча ҳуқуқий механизмлар жорий этилади. Божхона органлари ходимлари мажбуриятларини бажариш билан боғлиқ қонуний ҳаракатлари кафолати яратилади.

Унга кўра, қонунийлик, очиқлик ва шаффоқлик, жисмоний ҳамда юридик шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига риоя қилиш божхона органлари фаолиятининг асосий принциплари этиб белгиланмоқда.

Шунингдек, қонунда божхона органларининг асосий вазибалари, ҳуқуқ ҳамда мажбуриятлари, божхона органларида хизмат ўташ тартиби, тизим ходимларини ҳуқуқий ва ижтимоий химоя қилиш мустаҳкамланмоқда. Янги нормаларга мувофиқ, божхона органи ходими давлат органи вакили ҳисобланади, давлат химояси остида бўлади.

Сўзга чиқарилган қайд этганидек, қонун божхона органлари фаолиятининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришга хизмат қилади. Ташқи иқтисодий фаолият иштирокчилари ҳуқуқлари ҳамда эркинликларини ишонли химоя қилиш бўйича қўшимча ҳуқуқий механизмларни ўрнатади. Божхона органлари ходимларини моддий ва ижтимоий химоя қилишни янада қучайтириш, қонун ҳужжатларида ишлатиладиган идоравий атамаларнинг бир хилда қўлланилишини таъминлашга хизмат қилади.

Зиёда АШУРОВА. Мунисон КАРИМОВА.

ҚОНУНЛАРГА КИРИТИЛАЁТГАН ЎЗГАРТИШЛАР ФУҚАРОЛАРНИНГ МАНФААТИНИ ЁҚЛАШГА, ФАОЛЛИГИНИ ОШИРИШГА ҚАРАТИЛДИ

Шундан сўнг парламент кўйи палатасининг бир гуруҳ депутатлари томонидан қонунчилик ташаббуси ҳуқуқий асосида киритилган "Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) сайлови тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонун лойиҳаси қизгин баҳс-мунозараларга сабаб бўлди.

Таъкидланганидек, мазкур қонун лойиҳаси фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) сайловида иштирок этиш бўйича фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқларини амалга оширишга қулай шартот яратиш, сайлов жараёнининг очиқлиги ва шаффоқлигини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилган.

Сўзга чиққан депутатлар, аввало, ушбу қонунда қандай янги тўшунчалар, нормалар мавжуд, деган масалалар ҳусусида апрофича тўхталиб ўтилди.

Қонун лойиҳаси билан фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли)нинг ваколат муддати икки йилдан уч йилга узайтирилмоқда. Сайловда бевосита фуқароларнинг ўзлари кўпроқ иштирок эта олишини таъминлаш мақсадида сайлов ўтказилаётган ҳудуд — ховлилар, уйлар, кўчалардан фуқаролар вакилликнинг минимал нормасини белгилаш тақлиф этилмоқда. Бунда ҳар бир ҳудуддаги аҳоли сони инобатга олинган.

Тақлиф қилинаётган янги қонун лойиҳасига кўра, эндиликда сайловни ташкил этиш ва ўтказиш масаласи билан республика даражасида Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг комиссияси эмас, балки алоҳида тўшунтилган фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқолари) сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишга қўмақлашувчи Республика комиссияси шуғуллашишни белгиланмоқда. Унинг таркибига парламент кўйи палатаси депутатлари, Сенат аъзолари, тегишли давлат органлари, нодавлат но-тижорат ташкилотлари, илмий муассасалар ва бошқа ташкилотлар вакиллари киритилади.

Фуқаролар ўз хоҳиш-иродасини эркин билдиришига таъсир этиш имкониятини қолдирмаслик мақсадида фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) сайловида яширин овоз бериш тизими ўрнатилмоқда. Сайлов жараёнининг очиқлиги ва шаффоқлигини таъминлаш мақсадида эса фуқаролар йи-

гини раиси (оқсоқоли) сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишга қўмақлашувчи Республика комиссияси шуғуллашишни белгиланмоқда. Унинг таркибига парламент кўйи палатаси депутатлари, Сенат аъзолари, тегишли давлат органлари, нодавлат но-тижорат ташкилотлари, илмий муассасалар ва бошқа ташкилотлар вакиллари киритилади.

Мажлисда, шунингдек, Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ваколатлари тааллуқли бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди ва тегишли қарорлар қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Матбуот хизмати.

Бугунги кунда мамлакатимизда олиб борилаётган бунёдкорлик ишлари дунё аҳли эътиборида. Шаҳар қишлоқларимиз қиёфаси тубдан ўзгараётти. Шуниси аҳамиятлики, ҳудудларнинг обод, файзли, замонавий бўлиши учун барча соҳа вакили астойдил интилоқда. Буни шахарларимизда пайдо бўлаётган арт-безаклар, декоратив ҳайкаллар, вектор-дизайнлар мисолида кўриб туришимиз. Бироқ, афсуски, уларнинг ҳаммасини ҳам дидимизга, менталитетимизга, ўзалигимизга мос, деб бўлмайди.

Ватан ичра катта уйимиз


Кейинги ойларида Тошкентда пайдо бўлган янги арт-объектлар ижтимоий тармоқларда кенг муҳокама қилинди. Уларнинг азим кентимиз қиёфасига мос тушмагани ҳақида танқидий мулоҳазалар билан бирга, "замонавийлик", "дунё билан бўйлаш" белгиси экани тўғрисидаги фикрлар ҳам янгради. Биз бу борада ўз мушоадаларимизни билдиришга қарор қилдик.

Аввало, янги арт-объектлар ҳақида. Уларнинг ижодкорлари пойтахтимизга бугунги дунё санъати, архитектура-санадаги энг сўнгги аъналарга суянган ҳолда ўзига хос модерн манзара олиб кирмоқчи бўлишмоқда. Бу интилиш таҳсинга сазовор. Аммо гап шундаки, ушбу арт "асарлар" ҳам руҳан, ҳам маънан, ҳам семиотик, ҳам тафаккур нуқтаи назаридан миллий менталитетга хос эмас. Айнан шунинг учун, ижтимоий тармоқлардаги эътирозларга кўра, аксарият кишилар бу "новёб" композицияларни қабул қилмоқда. Шунинг алоҳида таъкидлаш керакки, ҳар қандай асар, модерн, постмодерн, абстракт ёки авангард усулида бўладими, миллий тафаккур тарзига, воқеликни миллий англаш ҳолатига асосланмас экан, у нафақат биз, маҳаллий аҳоли учун, балки объект ижодкорлари кўзда тутган шахаримизга келаётган меҳмонлар учун ҳам тушунарсиз ва бегона бўлиб қолаверади.

Мамлакатимизга ташриф буюраётганлар аллақачон оммавийлашиб бўлган усулдаги "арт маҳсулотлар"ни эмас, балки миллий руҳ, миллий тафаккур тарзи, миллий маданият унсурлари барқ уриб турган, миллий истаёинга эга шахарларни кўришни истайди. Уларга шу жиҳати қизиқ. Бу —



ҳалқимизнинг макон ва масканини муқаддас деб билган қадриятни тажассуми ётади. Аждодларимиз "уй" деганда фақат бошига пана бўлувчи иншоотни тушунмаган: "уй"га бутун бошли тушунчалар, фалсафалар, қадриятлар, энг муҳими, эътиқод кўзи билан қарашган. Хусусан, бошпана фақат



қадриятларимизни улуғлайлик

Юртимизда қадимий шахарлар жуда кўп: Сурхондарёдан тортиб, Қорақалпоғистон Фарғонагача бўлган ҳудудда ёши 2000 — 3000 йиллик тақаладиган, тупроқ остида қолган ўнлаб қадимий кентларимиз топилмоқда. Улар халқимизнинг шахарсозлик маданияти ҳақида етарлича маълумотлар беради. Муҳими, бу жойларнинг ҳар бири гиштидан тортиб, қашини билан қўйилганига амин бўлмоқдамизки, бу хил тарихий масканларимиз аждодларимизнинг фақат иқтисодий меъморий, ишлаб чиқариш ривожини эмас, балки тафаккур тарзи ҳамда маънавий соҳада эришган ютуқларини, соддароқ қилиб айтсак, имон, эътиқод, эзгулик ва ёвузлик, ҳаёт ҳамда абадийлик ҳақидаги қарашларини ҳам кўз-кўз қилиб тургани билан аҳамиятлидир. Шаҳарларимиздан топилган семиотик осориётқалар аждодларимизнинг бизга моддий қўриқларда қолдирган ҳикматлари ва биттиқларидир.


Семиотика маълум бир халқнинг энг қадимги ва замонавий белгилари муҳрланган тимсолар тизимини ўзида акс эттиради. Шу маънода, бу хил белгилар миллий ўзлик, хусусан, миллий

ШАҲАРЛАРИМИЗ ҚИЁФАСИДА ЎЗЛИГИМИЗ НАМОЁН БЎЛСИН!

қабул қилувчилар ҳам мавжуд. Умуман, халқимиз амалий санъати, нақшу ниғорлари, осориётқаларининг ўзи бир китоб. Унда олам ва одам ҳақида қўллаб ҳикматлар бор. Бу белги ҳамда тимсолларни тушунмаслик, билмаслик, эътибордан четда қолдириш — уларнинг эскириб кетганини, моҳияти йўқолганини билдирмайдми. Аслида миллий нақшу ниғорлар, осориётқалар, яъни семиотик белгилар миллий санъат, адабиёт, маданиятнинг, жумладан, бугунги миллий шахарсозлик безакларининг, дизайнининг ҳам асоси саналади.

Миллий руҳ сезилиб туриши зарур

Ҳар бир меҳмон, айни пайтда шу юрт фуқароси ҳам Лондон манзараларида инглиз, Римда италиян, Токиода япон, Деҳлида ҳинд, Рио-де-Жанейрода португал-испан ва ҳиндуларнинг қорийш маданиятини, Мехикода мексиканча колоритини, руҳини хис қилади. Пойтахтлардаги ҳар деталъ,



Сиз нима дейсиз?

Ҳар бир манзара, кўринишнинг ўзидек сизга шу мамлакат, ўша халқ ҳақида етарлича тасаввур беради. Модерн санъат ва адабиётда етакчи бўлган Париж ҳамда Мадридда омма учун ўрнатилган авангард ҳайкаллари маҳобатли санъат намуналари ҳам шу даврларнинг миллий қиёфаси бўлиб турганини кўради.

Агар Пекингга борган бўлсангиз; шаҳарнинг иллюстратив дизайни асосида Хитой миллий қадриятлари, урф-одатлари, мифология ва халқ қаҳрамонлари, халқ оғзаки ижоди образлари, амалий санъат нақшу ниғорлари, миллий семиотик белгиларнинг замонавий талқинларига — интерпретациясига дуч келасизки, модерн, абстракт, авангард манзараларда ҳам Хитой миллий руҳини хис қилиб турасиз.

Истанбулда арт-объектларни қўйиб турайлик, ҳатто дунёнинг ишлаб чиқариш стандартига тўлиқ бўйсундирилган сим-ёточлар чироқлар ҳам туркий халқлар, жумладан, турк халқининг азалий маданияти, азалий қарашлари, илдизларини намоян эътиб туради. Бу шаҳардаги арт-композициялар ҳам қадимги семиотик белгилар, нақшларнинг замонавий талқинидан иборат. Одий бир чизгиси ҳам ўзининг турк маданиятига дахлдор эканини эслатиб, туркияликларга гурур ва ифтихор бағишлайди.

Гонконг эса хитой феншуйи — "шамол ва сув" уйғунлиги шаклида қурилган. Кейинги юз эллик йилда қанчалик фарбламасин, у ҳар бир манзарода ўзининг шарҳона қиёфасини, дизайнини, манзарасини сақлаб қолган.

Бу санокни хоҳлаганча давом эттириш мумкин. Фақат бу санокда бизнинг шахарларимиз, хусусан, бош кентимиз — Тошкент ҳам туршишни истаймиз.

Яна ўша арт-объект ҳақида...

Арт-объектдан мустаҳкам жой олган юрак тимсоли бир пайтлар шўро тузуми ёшларининг "эркин муҳаббат" рамзи эди: уни дархатларга, дафтларга, симёточларга ўйиб ёшарди. Бу тимсол, аслида, авлиё Валентин кўни тимсоллари билан чамбарчас боғлиқ. Биз Валентин кўнининг, умуман, бу хил "муҳаббат изорчлиги"нинг миллий менталитетимизга ёт эканини гапириб, тарғиб қилаётганимизда шахаримиздан ташвиқотимизга, қолаверса, мафкуравий сийёсатимизга эид бўлган арт-композициялар жой олаётганини нима дейсиз? Бир кунда бу "юралар" остидан Валентин кўни руҳини бошдан кечириб, нечта йилгит-

зиёлар ҳам миллий тафаккур тарзиимиздан узок, уларни кўрганда ё ҳеч нарса тушунмаймиз ёки бизга ётлигини билдириб турган манзарадан дилхиралик уйғонади. Холбуки, шахарсозликда бу хил арт-композициялар ёшларда, умуман, фуқароларда Ватанга, миллатга, халққа, унинг маданиятига, она шахарига муҳаббат ва гурур уйғотиши, инсонпарварлик, ватанпарварлик, халқпарварлик, миллатпарварлик гоёларини тарғиб қилиши, энг асосийси, омма учун бирдек тушунарли бўлиши керак. Коммуникационлик — шахар безаклари, умуман, шахар маданиятининг биринчи талаби. Бунга жавоб бермаган асарларни, қанчалик оҳанраболи, қанчалик бадий, қанчалик чўқур мазмунли бўлмасин, яхшиси кўргазмада ёки музейда кўрган афзал.

Ҳўш, нега шахаримизни безашда миллий асосларимизга — миллий меросимизга мурожаат қилмай, виқор ва гўзалликни бошқа ердан излапмиз? Бунинг учун нима керак? Аслида, кўп нарса керак эмас. Бор-йўғи миллий маданиятдан, миллий семиотикадан хабардорлик, ватанпарварлик, ўз тарихи, ўз маданиятидан гурурланиш хоҳиш-истаги! Шу ҳолос! Бу борада бизга амалий санъатимиз нақшу ниғорлари, орнаментлари, халқ оғзаки ижоди қаҳрамонлари, мифология образлар, энг муҳими, бугун музейларни безаб турган қадимги шахарларимиз осориётқалари, умумлаштириб айтганимизда, миллий семиотикамиз ҳамиша мададга тайёр турибди.

Миллий белгиларимиз, тимсолларимизни замонавий кўринишда, бугунги шахарсозлик талаби бўлган модерн талқинда шахарларимизнинг визуал ва иллюстратив манзараларига татбиқ этишимиз мумкинми? Мумкин, албатта. Бу билан биз кўп нарса ютамиз. Жумладан, шахаримизга ташриф буюрганларга миллий маданиятимизни тарғиб қилган бўламиз, Ватан маданиятидан ифтихор туйғусини қучайтирамиз, ёшларнинг миллий семиотикамиз, тимсолларига яширинган оила, уй, Ватан, олам, одам ҳақидаги ҳикматларни англашларига, қолаверса, миллий маданият, миллий муҳит, яъни миллий ўзлик руҳида тарбияланишга беқиз хизмат қилган бўламиз.

Назар ЭШОНҚУЛ.



Халқ сўзи Народное слово

ТАНЛОВИГА

Киз ўтади, улардан қанчасининг кўнгли бу юрак, ўз табиқини ўтказди экан?

Фақат бу эмас, бошқа арт-компо-



зиёлар ҳам миллий тафаккур тарзиимиздан узок, уларни кўрганда ё ҳеч нарса тушунмаймиз ёки бизга ётлигини билдириб турган манзарадан дилхиралик уйғонади. Холбуки, шахарсозликда бу хил арт-композициялар ёшларда, умуман, фуқароларда Ватанга, миллатга, халққа, унинг маданиятига, она шахарига муҳаббат ва гурур уйғотиши, инсонпарварлик, ватанпарварлик, халқпарварлик, миллатпарварлик гоёларини тарғиб қилиши, энг асосийси, омма учун бирдек тушунарли бўлиши керак. Коммуникационлик — шахар безаклари, умуман, шахар маданиятининг биринчи талаби. Бунга жавоб бермаган асарларни, қанчалик оҳанраболи, қанчалик бадий, қанчалик чўқур мазмунли бўлмасин, яхшиси кўргазмада ёки музейда кўрган афзал.

Ҳўш, нега шахаримизни безашда миллий асосларимизга — миллий меросимизга мурожаат қилмай, виқор ва гўзалликни бошқа ердан излапмиз? Бунинг учун нима керак? Аслида, кўп нарса керак эмас. Бор-йўғи миллий маданиятдан, миллий семиотикадан хабардорлик, ватанпарварлик, ўз тарихи, ўз маданиятидан гурурланиш хоҳиш-истаги! Шу ҳолос! Бу борада бизга амалий санъатимиз нақшу ниғорлари, орнаментлари, халқ оғзаки ижоди қаҳрамонлари, мифология образлар, энг муҳими, бугун музейларни безаб турган қадимги шахарларимиз осориётқалари, умумлаштириб айтганимизда, миллий семиотикамиз ҳамиша мададга тайёр турибди.

Миллий белгиларимиз, тимсолларимизни замонавий кўринишда, бугунги шахарсозлик талаби бўлган модерн талқинда шахарларимизнинг визуал ва иллюстратив манзараларига татбиқ этишимиз мумкинми? Мумкин, албатта. Бу билан биз кўп нарса ютамиз. Жумладан, шахаримизга ташриф буюрганларга миллий маданиятимизни тарғиб қилган бўламиз, Ватан маданиятидан ифтихор туйғусини қучайтирамиз, ёшларнинг миллий семиотикамиз, тимсолларига яширинган оила, уй, Ватан, олам, одам ҳақидаги ҳикматларни англашларига, қолаверса, миллий маданият, миллий муҳит, яъни миллий ўзлик руҳида тарбияланишга беқиз хизмат қилган бўламиз.

Назар ЭШОНҚУЛ.



Буюк бобомиз қолдирган бебаҳо мерос нафақат у ҳукмронлик қилган юрлар, балки жумлаи жаҳон бўйлаб бебаҳо жаҳонлар янглиғ сончилик кетган. У зақ Япониядан тортиб, Европанинг Лондон, Париж каби шаҳарларида дей-сизми ёхуд Америка қитъасидаги музей ва кутубхоналар, ҳатто шахсий архивлардан ўрин олган. Уларни Ватанимизга қайтармоқ осон бўлмасда, аммо биз, авлодлар учун гоёт шарафли вазифалардандир.

Ана шу йўлда давлатимиз раҳбарининг юқорида тилга олинган қарори гоёт катта воқеа бўлди. Бугунги кунда Андижонда Бобур ва жаҳон маданияти музейи фаолият юритмоқда. У ерда ўтган йиллар давомида Фондимиз томонидан 25 дан зиёд илмий экспедициялар жараёнида қўлга киритилган 500 дан ортиқ асарлар, қимматли қўлёзмалар ва бошқа ноёб экспонатлар сақланяпти. Ўтган йили Фонд таъсисчилигида "Бобур ва дунё" журнали ташкил этилди. Бобур номидаги халқаро жамоат фонднинг вакиллари Деҳли шаҳрида ўтказилган "Ҳиндистон ва Марказий Осиё маданияти алоқаларини ривожлантириш" ҳамда "Буюк мўғулларнинг жаҳон маданияти тарихида тугган ўрни" мавзусидаги халқаро конференцияларда ўз маърузаси билан иштирок этди.

Фонд томонидан 2013 йили "Захириддин Муҳаммад Бобур асарларининг жаҳон маданияти тарихида тугган ўрни" мавзусида халқаро конференция ташкил этилди. Унда дунё ва мамлакатимизнинг кўп қисмида бобуршунос олимларининг жаҳон бобуршунослигининг маркази Европадан Ўзбекистонга, пойтахтимиз Тошкентга қўчқонди. Ҳақиқат ривожда эътибор эътибли, Хозиргача жаҳон илмий-адабий жараёнида Бобур ва бобурийларга нисбатан хато қўлланилиб келинаётган "Буюк мўғул" атамасини қўлламаслик ҳамда Бобур ижод қилган тилга нисбатан янглиш равишда ишлатилаётган "чиғатой тили" атамаси ўрнига, "туркий тил (эски ўзбек тили)" илмий истеъмолга киритиш масаласи маъқулдир.

Бугунги кунда Бобур номидаги халқаро жамоат фонднинг Деҳли шаҳридаги Ҳиндистон бўлими ҳам фаолият олиб бормоқда. Тошкент — Амритсар — Деҳли йўналишида парвоз қилган "Ўзбекистон ҳаво йўллари" Миллий авиакомпаниясига қарашли "Боинг-767" самолётида Амритсар шаҳри аэропортида қисқа муддат тўхтаб, Деҳлига етиб бордик. Ҳаво лайнерида барчамизнинг эътиборимизни тортган жихатлардан бири — юртимиздан Ҳиндистонга бораётган йўловчиларнинг аксарияти ҳинд миллатига мансуб одамлар эканлиги бўлди. Бу мамлакатимизда халқаро туризмни ривожлантириш борасида олиб борилаётган ижобий сайёҳаркатлар самарасидир.

**Муборак манзиллар зиёрати**

Маълумки, Ҳиндистон Республикаси Жанубий Осиёда жойлашган улкан мамлакат. Бугунги кунда аҳолиси сонига кўра, дунёда иккинчи (1 миллиард 352 миллиондан ортиқ), ҳудудий жиҳатдан еттинчи (3,287,263 км²) ўринда туради. Самолётимиз мамлакат пойтахти — Деҳли шаҳридаги Индира Ганди номидаги халқаро аэропортга қўнди. Шу куннинг ўзидеёқ Ўзбекистон Республикасининг Ҳиндистондаги Факултетида ва мухтор элчиси Фарҳод Арзиев қабулида бўлиб, сафаримиз режасини муҳокама қилиб олдик.

Сафаримизнинг Деҳли шаҳридаги Бобур бобомизнинг тўнчи фарзанди Ҳумоюн мизро мақбарасини, Хусрав Деҳлавий, Мирзо Ғолиб, Мирзо Абдулқодир Бедил қабрларини зиёрат қилишдан бошладик. Бундай табарруқ қадимларга дунёнинг турли нуқта-нуқтадан келган минг-минглаб сайёҳлар ва Ҳиндистонликлар қадим рақижда қилаётганига гувоҳ бўлидик, қалбимизда фахр ва гуруру туйғулари жўш урди.

Биз зиёрат қилган зотлардан яна бири Хусрав Деҳлавий (1253 — 1325 й.й.). Ул зотнинг отаси Сайфиддин Махмуд асли кеш (Шахрисабз)лик бўлиб, мўғуллар босқини пайтида туркий сулолалар ҳукмронлик қилаётган Ҳиндистонга келган. Айтишларича, Деҳли султони Шамсуддин Элтутиш унга амрилик унвонини берган. Сўнгра Сайфиддин Махмуд мўғулларга қарши жангда ҳалок бўлган, Хусрав Деҳлавийни

бобоси Имодулмулк ўз тарбиясига олади. Шоир, олим, бастакор сифатида танилган Хусрав Деҳлавий ҳам сарой хизматига бўлган. Буюк бобомиз Алишер Навоий бежиз "Насойим ул-муҳаббат" тазкирасида уни авлиёлар қаторида зикр этмаган.

Яна бир улуг зот — Мирзо Абдулқодир Бедил ҳазратлари ҳам Шарқнинг улкан ва забардаст шоирлари қаторидан ўрин олган. У асли Ҳиндистоннинг Азимобод шаҳрида 1644 йилда ҳарбий хизматчи оиласида дунёга келди. Буни қарангки, унинг ота-болари ҳам Шахрисабз ўзбекларидан эди. Маълумотларга кўра, Мирзо Бедил бир ярим ёшида отадан ажралиб, онаси ва амакини қарамоғида қолган. У Ҳиндистон бўйлаб кўп саёхат қилган ва 1685 йилдан умрининг охиригача Деҳлида яшаган.

Манбаларда келтирилишича, Бедил ҳазратлари 130 минг мисрадан ортиқ шеърини, ўнга яқин насрий асарларни мерос қолдирган. Узининг беқиёс ижоди билан урду адабий тилига асос солган ва ҳинд шеърини мумтоз даврининг сўнги вакилларидан бири, ҳам Покистон, ҳам Ҳиндистоннинг фахру гурурига, ҳар икки миллат тимсолига айланб кетган оташнафас шоир Мирзо Асадуллоҳ Ғолиб ҳам асли туркистонлик бўлиб, бобоси Мирзо Қўқонбек Самарқанд амирзодаларидан эди. Аммо тақдир тақозосига кўра, XVII аср ўрталарида Ҳиндистонга бориб қолади. Мирзо Ғолиб ана шу кишининг ўғли Абдуллабек ва Бухоридан Ҳиндистонга келиб қолган Хожа Ғулом Хусайннинг қизи Иззатуннисонинг фарзанди. У Агра шаҳрида туғилган. Маълум бўлишича, ҳинд заминига туғилган бўлишига қарамай, Мирзо Ғолиб ота томонидан самарқандлик, она томонидан эса бухорлик. Шу боис уни нафақат ҳинд, балки ўзбек халқининг ҳам шоири дейишга ҳақлимиз.

Ўзбек тилида Мирзо Ғолибнинг "Шайдо" (1965 й.) ва "Ғазаллар" (1975 й.) тўпламлари нашр этилган. Унинг шеърларини урду ва форс тилларидан Енгин Мирзо, Миртемир, Чустий, Шоислом Шоухамедов, Пулат Мўмин каби шоирларимиз таржима қилишган.

**«Бобур фарзандлари» — янги асар**

Ижодий гуруҳимиз сафар давомида Ҳиндистоннинг машҳур бобуршунос олимлари ва адаблар билан ҳам мулоқотда бўлди. Танили давлат арбоби ҳамда адиб Салмон Хуршид ва Ўзбекистонга яқинда ташриф буюрган адабиётшунос олим, Рампур Ризо кутубхонасининг собиқ директори Саид Муҳаммад Азизиддин Хусайн шулар жумласидандир. Салмон Хуршид "Бобур ва унинг авлодлари" асарининг инглиз ҳамда араб тилларида чоп этилган нашрлари бизга совға қилди. Унинг "Бобур фарзандлари" пьесаси Ҳиндистонда бобурийларнинг тугган ўрни ва аҳамиятини холис ёритгани билан эътиборга сазовор. Бобур номидаги халқаро жамоат фонди раёсати ушбу асарни келгусида Ўзбек тилига таржима қилиб, халқимизга тўхфа этишни режалаштирди.

Профессор Азизиддин Хусайн ўзи нашрга тайёрлаган Бобурнинг "Девони Бобур" ва доктор Абдулсалоом Желоний нашрга тайёрлаган Шайх Ҳомид бинни Фазлуллоҳ Жамолдиннинг "Девони қасоиди Жамолӣ" ("Жамолӣ қасоидлари девони") китобларини ҳаёти эди. "Девони қасоиди Жамолӣ" (Жоме масжид, Деҳли 2013 й.) китоби биз учун ўта қимматли топилма бўлди. Чунки биз Шайх Жамолӣ сиймиссида Бобурнинг Ҳиндистонга келган вақтида унга қилич ва қалами билан хизмат қилган энг содиқ сафдошини кўрадик.

Тўри, у бунгача Султон Исқандар ҳамда Бахлул Лудий хизматларида бўлган ва уларга атаб қасидалар ёзган машҳур шоир эди. У Бобур хизматига кирган ҳам ҳарбий бек, яқин сўхбатдош сифатида ҳамнафас яшаган. Бобурнинг ҳарбий топшириқларини кекса бўлишига қарамай, кўнгилдагидек абад этган.

"Захириддин Муҳаммад Бобур энциклопедияси"да бу шахс ҳақида шундай маълумотлар берилган: "Шайх Жамолӣ — Бобурнинг беқларидан бири. Ҳиндистонда қўшин йиғиш ёки элчилик вазифаларини бажарган. Аградаги тўйда Шайх ва Сайидлар қаторида ўтирган". (Б. Э. 568-бет)

Биз энди "Девони Қасоиди Жамолӣ" китоби орқали бу шахсини яна бир улуг фазилати — шоирлиги ҳақида ҳам янги маълум

отларга эга бўламиз. У ўз шеърларидан "Девон" тузган, "Сайрул Орфин", "Миръотул маоний" ва "Меҳру моҳ" каби дostonлар муаллифидир.

**«Гули рангин» достони — қутилмаган тўхфа**

Ҳиндистон Миллий архивида мамлакатнинг кўп минг йиллик тарихи ва маданияти, сиёсати, адабиёти ҳамда санъати оид ноёб китоблар ва маълумотлар сақланар экан. Биз бу ерда ўзимизни қизиқтирган адабиётлар, қўлёзмалар билан танишдик. Жумладан, "Бобур девони", "Воқеоти Бобурий" ("Бобурнома") ва Бобур даврида яшаган Ҳасим Қандаҳорийнинг Бобурга бағишлаб ёзган "Гули рангин" ("Қизил гул") достонидан нусхаларини олишга эришдик. Айниқса, "Гули рангин" достони мутлақо янгилик бўлиб, ҳали бу асар ўзбек ўқувчисига маълум эмас эди.

Бу достон икки жиҳатдан биз учун қимматлидир. Асар муаллифи Қандаҳорда Бобур назарига тушиб, бир умр унинг яқин киши бўлган шахс. Бобур Аграда шакллантирган адабий муҳит доирасида ижод қилган забардаст шоир номини шу тарика аниқлади. Ҳиндистон Миллий архивини ушбу асарларнинг нусхаларини тайёрлаб бериш учун белгиланган миқдорда пул тўлишни кераклигини айтишди. Бобур номидаги халқаро жамоат фонди номидан келишилган маблағ шу заҳоти тўланди. Аммо бу китоблардан нусха кўчириб бериш учун 4-5 кун муддат талаб қилинар экан. Келишилган кунда ушбу китоблар нусхасини олдик.

Сафаримизнинг тўртинчи кунини Деҳлидан 450 километр узоқликда жойлашган Рампур шаҳри томон эрта тондан йўлга чиқдик. Ишни шаҳардаги машҳур Ризо кутубхонасидан бошладик. Кутубхона биносини XVII-XVIII асрларда бобурий зодлар томонидан қурилган бўлиб, ҳаммаша шоир, олимлар йиғилиб, ўзал мушоира ҳамда баҳс-мунозаралар ўтказадиган қутлуғ даргоҳ бўлган. Рампур шаҳрида хозиргача бундан юксак бино йўқ. Кутубхона биносини талабчан меъмор назари билан қаралганда ҳам архитектура мўъжизаларидан биридир.

Ижодий гуруҳимизни кутубхона раҳбарининг ўринбосари Нақи Аббос Қайфий ва кутубхона жамоаси илқ кутиб олди. Улар бизни кутубхона заллари бўйлаб, музей экспонатлари ва кутубхона тарихи билан таништирди. Нашр этилган китоблари фикристи (ка-талоги), 9 та нодир китоблар диски, "Девони Бобур", Жаҳвар Офтобачининг "Тазкират ул-воқеот" ("Воқеалар зикри", Рампур 2015 й.) ва Рашидиддин Фазлуллоҳ Ҳамадонийнинг "Ҳоме ут-таворих" китоблари (Рампур 2015 й.) ҳамда Бобур ва унинг авлодларига оид халқаро журнал "Нақду таҳқиқ" ("Матн ва тадқиқот")нинг 2015-2016 йилларда нашр этилган 9 та сонини тақдим эттидик.

Биз қўрсатилган бундай илтифотга жавобан кутубхонага Самарқанд ва Бухоро шаҳарлари рамизи туширилган эсдалик совғалар ҳамда ҳинд халқининг даҳо мутафаккирлари Рабиндранат Тагор ва Маҳматма Гандининг ўзбек тилида чоп этилган китобларини ҳаёти қилдик. Нақи Аббос Қайфийга ватанимизнинг халқона удулларига кўра, Ўзбек дўстисини қий-дирдик.

Кутубхонада биз қўрган дискдаги китобларнинг ҳаммаси ноёбу нодир асарлар эди. Булардан биз учун алоҳида қимматлилари — Захириддин Муҳаммад Бобурнинг "Тузуки Бобурий" ёки "Воқеоти Бобурий" номида машҳур бўлган Абдулрахим ибн Байрамхон таржимасидаги "Бобурнома", "Девони Бобур", "Ҳоме ут-таворих" эди. Журналиларнинг бирини варақлаб, "Бобур ё Бобур?" мақоласига қўзи-миз тушиб, бекхейф 1980 йиллардаги "Ўзбекистон адабиёти ва санъати" газетасида босилган профессор Абдулқодир Абдуғафуровнинг

"Бобурми, Бобурми?" мақоласини эсладик.

Мақола муаллифи Нажиб Ашраф Бадавий (таржимон Зийнат Қайфий) форсий ёзувида Бобур ва Бобур бир хил шаклда ёзилишини қайд этиб, талаффуздаги ҳар хилликка аниқлик киритиш учун бу мақолани ёзганини таъкидлади. У бунга муваффақ бўлиш учун бу сўзнинг лугавий маъносини билишимиз ва шеърда қофия вазифасида келган ҳолатларга диққат-эътибор қаратиш лозим деб ҳисоблайди. Бу ҳулосани Бобур асарларининг бошқа тилларга таржималари учун ҳам муҳимдир. Бунинг учун мақола муаллифи инглиз, француз, испан, рус шарҳунослари асарларига ҳам муурожаат этмоғимиз керак, дейди.

**Ноёб манбалар**

Рампур Ризо кутубхонасида нашр этилган "Бобур девони" таркиби Захириддин Муҳаммад Бобур таржимасидаги "Волидия", маснавийлар ҳамда "Аруз" рисоласидан намуналардан иборат бўлиб, китоб Саид Муҳаммад Азизиддин Хусайннинг ушбу девон қўлёзмаси ва мазмун-мунариҳаси ҳақидаги 57 саҳифалик сўзбошиси билан бошланади. Муҳими, бу девонда Бобурнинг икки байтик (рубойи) дастхати сақланган ва бу дастхат Бобурники эканлиги Шоҳ Жаҳон томонидан махсус қайд этилган. Матн охиридаги 925 хикрий йил санаси девоннинг 1519 йилда тузилганини кўрсатади. Таниқли тарихчи олима, Бобур халқаро муқофотининг совриндори, марҳума, профессор Сабоҳат Азимқонова бу девоннинг фото-факсимил нусхасини "Индийский диван Бабура" номи билан "Фан" нашриётида 1966 йили нашр эттирган эди.

Ушбу кутубхонадаги "Бобурнома"нинг эски ўзбек тилидаги Ҳайдаробод нусхаси, гарчи Андижондаги Бобур ва жаҳон маданияти музейида сақланаётган, бу ноёб асарнинг асл нусхаси юртимиздаги илмий жамоатчиликка маълум бўлса-да, қўлёзманинг асл нусхасини кўриш кишига бир олам ҳаяжон бағишлар экан. Рашидиддин Фазлуллоҳ Ҳамадонийнинг "Ҳоме ат-таворих" китоби ҳам биз учун катта янгилик бўлди, деб айтсақ, хато бўлмайди. Дарвоқе, Ҳиндистонлик Сайид Нақи Аббос ана шундай муҳташам адабиётни теран ўрганаётгани, ўзи ҳам уларга чин ихлосу ҳавас билан шеърлар, ғазаллар битаятгани ҳақида тўққиланиб сўзлади. Буларнинг барчаси ҳинд маданиятига, санъати ва адабиётига аждоғларимизнинг нечоғли улугъ таъсири борлигини кўрсатади.

Яна Рампур Ризо кутубхонаси ҳадяларидан бири Жаҳвар Офтобачининг "Тазкират ул-воқеот" (Рампур 2015 й.) асари эди. Бу китоб маълум маълум Гўлбадан Бегимнинг "Ҳумоюннома" асарини эсга олади. Чунки ҳар иккала китоб Ҳумоюн Подшоҳ тарихига бағишланган. Фақат "Тазкират ул-воқеот" асариди воқеалар Ҳумоюн подшоҳлик даври ҳақида мукамалроқ маълумот бериши мумкин. Бу асар Бобурнинг шохлик тожини ўғли Насириддин Муҳаммад Ҳумоюнга топширган билан бошланади, Ҳумоюн Мирзонинг бутун ҳаёти йўли, сарсон-саргардонликлари, Ҳамлодидин Акбарнинг Амаркутда дунёга келгани, ўн беш йилдан сўнг аввал Қандаҳор Кобулани олдик, сўнг Ҳиндистон тахтига қайта ўтириши, тасодифий вафоти ва Ҳалолидин Акбарнинг тахтга чиқishi воқеаларини қамраб олган.

Қоронги тушганда Лақонав шаҳрига кириб бориб, меҳмонхонада тунадик. Эртаси кўни эрталаб Надр ва Маҳматма Гандининг ўзбек тилида чоп этилган китобларини ҳаёти қилдик. Нақи Аббос Қайфийга ватанимизнинг халқона удулларига кўра, Ўзбек дўстисини қий-дирдик. Навбатдаги манзил — Лақонавдан қарий 850 чакрим масофадаги Патна шаҳри. Пойтахтдан вилоятлар марказларига элтўвчи кенг ва текис йўлнинг икки томонида шолзорлар шарқаришми экилган майдонлар кўзга ташланади.

Бизни автомашинасида олиб борган ҳинд ўғлини Равиндар жуда юксак, гоёт тажрибали ҳайдовчи чикиб қолди. Нега деганда, Ҳиндистоннинг, айниқса, катта-кичи, ўта тизиги шаҳарларида мохир ҳайдовчи бўлмаса, автоуловни бошқариш осон эмас.

Патна шаҳридаги "Худобахш" кутубхонасига кириб, қатталогдан

ўн икки китобни рўйхат қилиб, уларни кўрсатишни сўрадик. Ҳадемай, стол устида Фирдавсийнинг мислсиз формат ва ёзувдаги "Шохнома"си пайдо бўлди. Ҳажман бизнинг "Бобур энциклопедияси"га келадиган бу қўлёзма-китобдаги ёзувга сиқчиқлаб қарамасангиз, бугунги замонавий нашриётларда чоп этилган китобдан асло фарқ қилмайди. Ундаги юзга яқин рангли расм ва миниатюралар жойлаштирилган саҳифалар ораллига келинчаклар юзига тутилган ҳарир пардадай юзга қоғоз қўйилган. Биз китобдаги айрим саҳифаларни суратга туширишга муваффақ бўлдик.

"Шохнома" устида бежиз тўхталмадик. Манбаънослик ва матншуносликка тамал тошини қўйган темирзоода шоир ва таттоот Бойсўнғур Мирзо ибн Шохрўқ Мирзо (1397 — 1433 й.й.) ҳаттоатларни саройга йиғиб 80 та "Шохнома" нусхасидан ягона ҳақиқий "Шохнома"ни, яъни ҳозирги истилоҳ билан айтсақ, Абдулқосим Фирдавсий "Шохнома"сининг илмий-танқидий матнини темирыйлар пойтахти — Хиротда яратган.

**Даҳо шоиримиз девони**

Ҳозирги жаҳон ва ўзбекистонлик олимларнинг икки-уч, нари борса, беш-олти нусха асосида яратилган илмий матнлари қаршисида Бойсўнғур Мирзонинг меҳнати нақадар улғурлигини аққол ҳис этдик. Сўнгра "Кулиёти Амир Низомиддин Алишер Навоий" китобини икки жилдада келтирилди. Варақлаб кўрсак, бу икки китоб даҳо шоиримизнинг "Наводир ун-нихон" девони бўлиб қичди. Хати чиройли насталик, китоб кечагини кўриб қарангки, қиш сақланган, қимматбаҳо қўлёзма эди.

Бизга қўрсатилган яна иккита манба — "Тузуки Бобурий" ёки "Воқеоти Бобурий"нинг жуда яхши сақланган мукамал ва гўзал қўлёзмаси эди. Бу нодир китобдан нусха олinsa, Деҳли ва Техрон нусха нусхасига сўзма-сўз солиштириш имкони пайдо бўларди. Чунки "Бобурнома"нинг биздаги, туркий тилидаги 1960 йил ва 2002 йилги нашрларида матн билан боғлиқ ҳал этилмаган талай муаммолар

ратларимда ҳар кунда олти юз сексон киши иш қилурлар эди. Аграда ва Секрийд ва Баянда ва Дўлпурда ва Қўйилда минг тўрт юз тўртун бир сангтарош ҳар кунда менинг иморатларимда иш қилурлар эди". (Бу хабарга меъморликдаги бошқа касблар киритилмаган).

**Тоҷмаҳал таровати**

Албатта, Аграда келиб у ердаги Тоҷмаҳални зиёрат қилмайдиган одам топилмас керак. Дунёнинг "сақкизинчи мўъжизаси" деб тан олинган ушбу обида ҳовлисида айланб, атрофдаги қадимий меъморий ёдгорликлар билан танишиб, Тоҷмаҳал зиёратгоҳига кирдик. Ақл бовар этмайдиган бу улкан ёдгорликнинг баландлиги кишини ҳайратга солади. Қайта-қайта Тоҷмаҳал атрофида фарҳанбий расмларга тушидик. Маълумотларга қараганда, Тоҷмаҳални қуриш учун йилга 8 миллионга яқин сайёҳлар келиб-кетар экан. Шуни ҳам алоҳида таъкидлаб ўтиш керакики, Ҳиндистондаги боғу роғлар ва меъморий обидаларнинг 90 фоизи Бобур ва бобурийлар давридан қолган ёдгорликлардир.

Тарихдан маълумки, Бобур Мирзонинг авлоди Шоҳ Жаҳон йигирма бир ёшида ўн тўққиз ёшли Аржумандбонуга уйлانган. Улар бир-бирига қаттиқ қўнғил қўйган. Табиатан илмга чанқоқ бўлган Шоҳ Жаҳон адабиёт, санъат, муслиқа ва бошқа фанлар ривожига шариот яратган. Бир қанча муҳташам обидалар бунёд эттирган. Аржумандбонур эса тадбиркорлиги, нозик табияти, ифрати, тенгсиз ҳусну лаҳоза, юзига келган келишмовчиликларни оқилона ҳал қилиши билан сарой аъёнлари ўртасида катта эътибор қозонди. Шунинг учун кўп ўтмай ҳамма уни яхши кўриб мумтоз маҳал бегим (саройнинг кўрки), дея атай бошлади.

Аржумандбону навбатдаги фарзандини дунёга келтириватган чоғда вафот этди. Вафоти олдидан севишли ёридан унга атаб дунёда тенги йўқ мақбара бунёд эттиришни илтимос қилди. Ана шу васиятга биноан Шоҳ Жаҳон асарлар давомида дунё аҳлини ҳайратга солиб келаятган Тоҷмаҳални бунёд эттирди.



Деҳли шаҳрида жойлашган Ҳиндистон Миллий музейи бош директори Д. Р. Мани ижодий гуруҳимизни қабул қилган пайт.

бор. Бу қўлёзмалар Абдулрахим ибн Байрамхон қаламига мансуб форсий таржима бўлса-да, асар аслиятини тиклашда муҳим хизмат қилиши мумкин эди. Чунки Ўйжи Манодий япон бобуршуносини "Бобурнома"нинг илмий-танқидий матнини яратишда тўртта туркий ва урта форсий нусхасидан фойдалангани бежиз эмас.

Кутубхонада Патна университетининг форс адабиёти ўқувчиси профессор Закир Хусайн билан анча сўхбатлашдик. У Патна кутубхонасида сақланаётган араб, форс ва туркий тиллардаги ноёб қўлёзма асарлар ҳақида батафсил маълумот берди. Албатта, кутубхонадаги юқорида номлари зикр этилган китоблардан нусха олиш — маълум расмийчиликларни талаб қилди. Хусусан, Ҳиндистон Мада-ният вазирлигининг ёзма фармоиши зарур бўлиб, яқин вақтлар ичида Бобур номидаги халқаро жамоат фонди ҳукуматимиз ва элчиликларимиз орқали ана шу асарлардан ҳам нусха олиб, юртимизга олиб келишни бош мақсад қилиб қўйди. Шу боис ушбу масалани тез қунарда ижобий ҳал қилишда амалий ёрдам қўрсатишни сўраб, Бобур халқаро жамоат фонди номидан Ўзбекистон Республикасининг Ҳиндистондаги Факултетида ва мухтор элчиси номидан қатъий қарор билан бир-бирига қарам-қарши қурилган Бобур хонадонига яшаган ўларни зиёрат қилдик. Боғу гоёт дилқас озода ва шинам. Бу ерда Бобур Мирзо умрининг сўнги тўрт йилини ўтказган. Уни "Боғи Зарафшон" (Зарсочар боғ) деб атаган. Кечалари боғда ёрғу машалалар ёқилгани боис, манбаларда ушбу боғ "Боғи Нурафшон" деб ҳам юритилган.

Агра шаҳрида, Жамна дарёсининг чап қирғоғида тўртбурчакли платформа устида жойлашган Тоҷмаҳалнинг қурилиши, маълумотларда қайд этилишича, 1631 йилда бошланиб, 1648 йили тугалланган. Бинонинг баландлиги 61 метр. Платформанинг тўрт бурчақли бурти 50 метр баландликда бўлган турта минора тикланган. Мақбара оқ мраммалдан, атрофидаги бинолар эса қизил тошдан қурилган. Маъмура қўёбонлар ва катта боғ билан қўршалган. Бинонинг тўлиқ қурилиб битишига қарий 22 йил керак бўлган. Атрофда эса ястан-ястан далалар. Тоҷмаҳал офтоб нурида турлича товланади: тонгда кумуш рангда, кўёш ботаётган чоғда эса тилла рангда жилоланади. Унга термулиб қўнғил тўймайди. Ҳар сафар ўзгача бир хайратни ҳис этасиз. Олпоқ мраммалга ўйиб ишланган нақшлар, чиройли гуллар, "Қурьон" каллималари шунчалик муҳоррилик билан ёзилгани, қўриб, наҳотики, инсон шу ишларга қодир бўлса, деб ўйлаб қоласан киши.

Биз бу манзилда ётган икки қалб соҳибини зиёрат этдик. Уларнинг ҳақларига тиловат қилдик. Тоҷмаҳал обидасидан қўнғил узолмасдан ноилгоҳ, хайрлашиб, Шоҳ Жаҳоннинг бобоси Бобур Мирзо яшаган Оромбоғ томон юрдик. Жамна дарёси соҳилидаги Бобур 1526 йилда ўз тархи билан яратган ушбу Чорбоғ ва бир-бирига қарам-қарши қурилган Бобур хонадонига яшаган ўларни зиёрат қилдик. Боғу гоёт дилқас озода ва шинам. Бу ерда Бобур Мирзо умрининг сўнги тўрт йилини ўтказган. Уни "Боғи Зарафшон" (Зарсочар боғ) деб атаган. Кечалари боғда ёрғу машалалар ёқилгани боис, манбаларда ушбу боғ "Боғи Нурафшон" деб ҳам юритилган.

Боғда ҳеч қаредра учрамайдиган жуда гўзал усулда қизил сополли плиталардан сўғорш тизими яратилган бўлиб, арқарғ 60 — 70 сантиметр кенгликда, 30 — 40 сантиметр чуқурликда боғ бўйлаб таралган. Жамна дарёсидан ўша пайтда сув ана шу қувурлар орқали боғга чиқарилган. Боғга кирганингиз заҳоти, аниқ ўчмалик тўртбурчак тарҳли сўлим, ям-яшил, кенг, турфа гуллару дарахтларга бурканган чаманор баҳридилгинини очиб юборади, ҳар хил қушларнинг бамайлиторх учиб юриши унга янада табиийлик ва жозоба бағишлайди.

Бобур подшоҳ шу биноларнинг бирини 1530 йилда абадий ўйқуга кетган. (Маълумки, вафотидан сўнг 9 йил ўтиб, хоки Кобулга қўйрилган.) Бу табарруқ қадимда шоҳ ва шоир хотирасига дуои фотиҳа қилдик. Боғда Бобур Мирзонинг қизғиш тошлардан бунёд этилган мақбараси ҳам сақланган.

**Чексиз ифтихор ҳисси**

Сафаримизнинг ўнинчи кунини яна Деҳлига қайтиб, Ҳиндистон Миллий архивига бордик. Аммо хали биз олдиған китобларнинг нусхаларини тайёрлаб улғуришмаган экан. Албатта, эртанги кунга тайёрлаб беришларини ваъда қилдик. Эртаси келишилган вақтда китобларнинг электрон нусхаларини қўлга киритдик.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
БАНК-МОЛИЯ АКАДЕМИЯСИ**

қуйидаги ихтисосликлар бўйича 2019 йил учун таянч докторантура, докторантура ва мустақил изланувчиликка қабул эълон қилади.

08.00.07 — Молия, пул муомаласи ва кредит.  
08.00.11 — Маркетинг.

Хужжатлар 2018 йил 15 сентябрдан 15 октябргача қабул қилинади.

Таянч докторантурада ўқишга талабгорлар академияга қуйидаги хужжатларни тақдим этишлари керак:

- ариза;
- қисқача биографик маълумотнома;
- меҳнат дафтарчасининг белгиланган тартибда тасдиқланган нусхаси (ишлаётган талабгорлар учун);
- олий таълим муассасаси магистратураси дипломи ёки олий маълумот (мутахассислик дастурлари бўйича) тўғрисидаги диплом нусхаси;
- нашр этилган илмий ишлар рўйхати, шунингдек, уларнинг нусхалари;
- номзодлар фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун диссертация тадқиқоти асосини ташкил қилиши мумкин бўлган илмий натижалар, шу жумладан, илмий журналларда чоп этилган камда битта мақола ҳамда тегишли йўналишлар бўйича иккитадан кам бўлмаган илмий ишлар тўпламларига киритилган маъруза тезисларига эга бўлишлари керак.

Таянч докторантурада ўқиш учун талабгорлар мутахассислик ва чет тили (таълимнинг олдинги даражаларида ўрганилган хорижий тил) бўйича кириш имтиҳонлари топширадilar. Талабгорларда IELTS (ўртача бали камда 5.5), TOEFL (PBT) (567 баллдан кам бўлмаган), TOEFL (iBT) (87 баллдан кам бўлмаган), CEFR (B2 даражадан паст бўлмаган) бўйича тасдиқловчи амалдаги халқаро малака сертификатлари мавжуд бўлганда чет тилидан топшириладиган имтиҳонлардан озод этилади.

Докторантурада ўқишга талабгорлар академияга қуйидаги хужжатларни тақдим этишлари керак:

- ариза;
- қисқача биографик маълумотнома;
- меҳнат дафтарчасининг белгиланган тартибда тасдиқланган нусхаси (ишлаётган талабгорлар учун);
- олий маълумот, фан номзоди ёхуд фалсафа доктори (PhD) ёки хорижий давлатларда унга тенглаштирилган илмий даражага эга бўлганлиги тўғрисидаги диплом нусхаси;
- тадқиқот мавзуси бўйича илмий маъруза ва фан доктори (DSc) илмий даражасини олиш учун тайёрланган докторлик диссертацияси режасининг муфассал лойиҳаси;
- нашр этилган илмий ишлар рўйхати, шунингдек, уларнинг нусхалари.

Номзодлар фан номзоди ёки фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олганидан сўнг муҳим илмий ютуқларга эришган, шунингдек, фан доктори (DSc) илмий даражасини олиш учун диссертация тадқиқоти асосини ташкил қилиши мумкин бўлган илмий журналларда чоп этилган камда учта илмий мақолага ҳамда илмий-амалий конференциялар, семинарлар ва тегишли илмий йўналишлар бўйича илмий ишлар тўпламларида камда иккита тезисга эга бўлишлари керак.

Таянч докторантурага кириш имтиҳонлари 2018 йил 7-8 ноябрь кунлари соат 15.00 да, докторантурага кириш учун суҳбат эса 2018 йил 9 ноябрь кунин соат 15.00 да Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси биносидан ўтказилади.

Фалсафа доктори (PhD) илмий даражаси учун мустақил изланувчиликка қуйидагилар расмийлаштирилади:

- магистр дипломи ёки олий маълумот тўғрисидаги (ихтисослик бўйича) дипломга эга бўлганлар;
- белгиланган илмий мақолаларга эга бўлганлар;
- камда икки йиллик илмий-педагогик иш стажига эга муайян илмий ютуқлар (ихтиро учун патентлар ёки муаллифлик гувоҳномалари)га эга бўлганлар.

Фан доктори (DSc) илмий даражаси учун мустақил изланувчиликка фан номзоди ёки фалсафа доктори (PhD) ёки унга тенглаштирилган хорижий мамлакатларда олинган дипломга эга бўлган, белгиланган талабларга мувофиқ илмий даража олгандан сўнг салмоқли илмий ютуқларга эришган шахслар расмийлаштирилади.

Мустақил изланувчиликка талабгор қуйидаги хужжатларни илова қилган ҳолда ариза билан академияга мурожаат қилиши керак:

- қисқача биографик маълумотнома;
- фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун мустақил изланувчи сифатида расмийлаштириш учун магистрлик ёки олий маълумот (мутахассислик дастурлари бўйича) тўғрисидаги диплом нусхаси;
- меҳнат дафтарчасининг белгиланган тартибда тасдиқланган нусхаси;
- илмий ишлар рўйхати ва уларнинг нусхалари;
- фан доктори (DSc) илмий даражасини олиш учун мустақил изланувчи сифатида расмийлаштириш учун фан номзоди ёки фалсафа доктори (PhD) ёки хорижий давлатларда олинган унга тенглаштирилган бошқа илмий даражалар дипломи нусхаси;
- иш жойидан тавсифнома.

Мустақил изланувчиликка талабгорларни танлаб олиш 2018 йил 9 ноябрда соат 15.00 да Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси биносидан бўлиб ўтади.

Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Мовароуннахр кўчаси, 16-уй.  
Телефонлар: (+99871) 237-48-42, 237-54-53.  
E-mail: info@bfa.uz Веб-саҳифа: www.bfa.uz

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ САЊЪАТ ВА МАДАНИЯТ ИНСТИТУТИ**

қуйидаги ихтисосликлар бўйича 2019 йил учун олий ўқув юртидан кейинги таълим — таянч докторантура (PhD)га қабул эълон қилади:

- 13.00.02 — Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси — 1 ўрин.
- 17.00.01 — Театр санъати — 1 ўрин.
- 17.00.03 — Кино санъати. Телевидение — 1 ўрин.

Таянч докторантура(PhD)га ўқишга талабгорлардан қуйидаги хужжатлар қабул қилинади:

- ариза;
- қисқача биографик маълумотнома;
- меҳнат дафтарчасининг белгиланган тартибда тасдиқланган нусхаси (ишлаётган талабгорлар учун);
- олий таълим муассасаси магистратураси дипломи ёки олий маълумот (мутахассислик дастурлари бўйича) тўғрисидаги диплом нусхаси;
- нашр этилган илмий ишлар рўйхати, шунингдек, уларнинг нусхалари.
- фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун диссертация тадқиқоти асосини ташкил қилиши мумкин бўлган илмий натижалар;
- илмий журналларда чоп этилган камда битта мақола ҳамда тегишли йўналишлар бўйича иккитадан кам бўлмаган илмий ишлар тўпламларига киритилган маъруза тезислари.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат стипендияси соҳиблари тегишли хужжат нусхасини тақдим этадилар.

Таянч докторантурада ўқиш учун талабгорлар мутахассислик ва чет тили бўйича кириш имтиҳонлари топширадilar.

Хужжатлар 2018 йил 18 сентябрдан 18 октябргача қабул қилинади.

Кириш имтиҳонлари жорий йил 1 — 25 ноябрь кунлари бўлиб ўтади.  
Манзил: Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Яланғоч даҳаси, 127-А уй.  
Мурожаат учун телефонлар: (0-371) 230-28-03, 230-28-14.



**«Асака» банки**

«ХСРИКнинг 2018 йилдаги энг яхши ҳамкори» мукофотиغا сазовор бўлди.

Жорий йилнинг 18 сентябрида Тошкент шаҳрида ўтказилган Ислом тараққиёт банки гуруҳи кунда «Асака» банкига Хусусий секторни ривожлантириш Ислом корпорацияси раҳбарияти номидан «ХСРИКнинг молиялаштириш йўналишидаги энг яхши ҳамкори» мукофоти топширилди.

Хусусий секторни ривожлантириш Ислом корпорацияси (ХСРИК) 1999 йилда Жидда шаҳрида ташкил этилган. Мазкур корпорациянинг асосий вазифаси — Ислом тараққиёт банкига аъзо мамлакатлар хусусий секторининг ривожланишини мустаҳкамлаш орқали иқтисодий тараққиётини қўллаб-қувватлашга оид фаолиятини тўлдириш, шунингдек, аъзо мамлакатларда ривожланишни рағбатлантириш мақсадида хусусий секторни инвестиция ва савдога оид молиялаштириш фаолияти имкониятларини идентификациялаш ҳамда баҳолаш; активларни бошқариш, исломий қимматбаҳо қоғозлар бозори ва қарз сармоясини ривожлантиришдан иборат. Ушбу кунда «Асака» банки билан ХСРИК ўртасида Ўзбекистон Республикаси кичик бизнес ва хусусий секторини инновацион ривожлантириш фаол қўллаб-қувватлашга йўналтирилган молиявий ҳамкорлик бўйича Узаро англашув меморандуми имзоланди.



www.asakabank.uz

Хизматлар лицензияланган.

**ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚАРО ИСЛОМ АКАДЕМИЯСИ**

қуйидаги ихтисосликлар бўйича 2019 йил учун олий ўқув юртидан кейинги таълим — таянч докторантура (PhD) ва докторантурага (DSc) танлов асосида қабул эълон қилади.

- 24.00.01 — Ислом тарихи ва манбашунослиги.
- 24.00.02 — Куръоншунослик. Ҳадисшунослик.
- 24.00.03 — Фикҳ, калом илми, илоҳийёт.
- 24.00.04 — Мумтоз Шарқ адабиёти ва манбашунослиги.
- 07.00.04 — Диншунослик

Ўқишга талабгорлар қуйидаги хужжатларни тақдим этишлари шарт:

- ректор номига ариза;
- маълумотнома;
- меҳнат дафтарчасининг белгиланган тартибда тасдиқланган нусхаси;
- олий таълим магистратураси дипломи;
- ОАК рўйхатидан ўтган журналларда камда битта илмий мақола, илмий-амалий конференциялар тўпламларида камда иккита тезис (таянч докторантура PhD);
- ОАК рўйхатидан ўтган журналларда камда учта илмий мақола, илмий-амалий конференциялар тўпламларида камда иккита тезис (докторантура DSc) ҳамда уларнинг нусхалари бўлиши талаб этилади.

Хужжатлар 2018 йил 15 сентябрдан 15 октябргача қабул қилинади.

Манзил: Тошкент шаҳри, Шайхонтохур тумани, Абдулла Қодирий кўчаси, 11-уй.  
Мурожаат учун телефон: (0-371) 244-00-56. Факс (0-371) 244-00-65.

**«ELXOLDING»** **ADOSH**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
МУСТАҚИЛЛИК КҮНИ МУНОСАБАТИ  
БИЛАН БИЗДА ЧЕГИРМА**

**15 500 000  
СЎМ**

**ЮК ТАШУВЧИ  
МОТОЦИКЛЛАР**

МАХСУЛОТ  
СЕРТИФИКАТЛАНГАН.

Чегирманинг амал қилиш муддати — 2018 йил 30 сентябргача.

**Тел.: (+99893) 330-50-00, (+99871) 239-88-58.**

Манзил: Самарканд ш., Гагарин к., 36-уй. Мўлжал — «КИНАП» заводи.

**Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ**

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 945. 76 732 нусхада босилди, ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қозғоқ бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетани ҳақиқий маълумотларни қўллаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.

**ТЕЛЕФОНЛАР:**  
Девонхона (0-371) 233-52-55;  
Котибият (0-371) 233-10-28; Эълонлар (0-371) 232-11-15.



Таҳририятга келган кўзбўйлаб тахрир қилинмайдиган ва муаллифга қайтарилмайдиган.

Газетанинг отказиб берилиши учун обуванни расмийлаштирилган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида термади ҳамда оператор А. Исмомов томонидан сақланади.

Газетанинг полиграфик жаҳзатда сифатда чоп этилишига «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмақона телефони: (0-371) 233-11-07.

**• МАНЗИЛИМИЗ:**  
100000,  
Тошкент шаҳри,  
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.  
Навбатчи муҳаррир — М. Жониҳонов.  
Навбатчи — Б. Ғофуров.  
Мусахҳах — С. Исломов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмақонаси. Корхона манзили: «Буёқ Турон» кўчаси, 41. УЗА якуни — 22.25 Топширилди — 02.30 1 2 4 5 6

**Халқ сўзи  
Народное слово**

**МУАССИСЛАР:**  
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси  
Қонунийлик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси  
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва  
Ўзбекистон Республикаси Вази́рлар Маҳкамаси